

Фикҳ дарслари (114-дарс). Таяммумнинг шартлари



13:00 / 10.12.2020 3268

1. Ният қилиш.

Яъни таяммум қилишни қалбига тугиш. Ниятнинг вақти қўлини таяммум қиладиган нарсага уриш пайтидир. Ният тўғри бўлиши учун Исломда бўлиш, оқ-қорани ажратиш ва ният қилаётган нарсаси нималигини билиш шарт. Бир киши ўзи таяммум қилиши дуруст бўлгани каби, бошқани ҳам таяммум қилдириб қўйиши жоиз. Лекин таяммум қилдиришдан олдин ўзи ҳам ният қилиши лозим.

2. Таяммумга сабаб бўла оладиган узр бўлиши.

Улар: сувдан бир мил ва ундан узоқда бўлиш, беморлик ёки бемор одамнинг яқинида сув бўла туриб, таҳорат қилдирадиган кишининг йўқ бўлиши, қаттиқ совуқ, душман ёки йиртқич ҳайвонлар хавфи, чанқоқ хавфи, сув кам бўлиб, уни таомга ишлатиш эҳтиёжи, сув олиш асбоби йўқлиги, жаноза ва ийд намозининг ўтиб кетиш хавфи кабилар.

3. Ер жинсидан бўлган пок нарсага таяммум қилиш.

4. Таяммумда масҳ қилиниши лозим бўлган жойларнинг ҳаммасига масҳни етказиш.

5. Масҳни қўлнинг ҳаммаси ёки кўп қисми ила қилиш. Агар икки бармоқ билан масҳ қилинса, таяммум тўғри бўлмайди.
6. Қўлни таяммум учун урганда кафтларнинг ичи билан уриш.
7. Шам ва унга ўхшаш терини масҳдан тўсадиган бошқа нарсаларнинг бўлмаслиги.

«Кифоя» китобидан